



## MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021  
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021  
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

## KALIT SO'ZLAR

Ток, тупроқ, агротехника, органик ва минерал ўғитлар.

## Кириш

Ер танлаш. Ўзбекистоннинг тупроқ-иклими шароитлари барча ҳудудларда узумнинг турли муддатларда пишадиган навларини етиштириш имконини беради. Токзор учун очиқ, ёруғлик яхши тушадиган, унумдор ва сув билан яхши таъминланган ерлар ажратилгани маъқул. Шунингдек, ғалла, пахта, шакарқамиш, зиғир, каноп каби ўсимликлар учун Сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда ток кўчатини етиштириш ноқулай ҳисобланган қумли ва тоғлоқ ерлар, тоғ ва тоғолди ёнбағирлари ҳам ток ўстириш учун қулай ҳисобланади. Тоғли ва адирли зоналарнинг қиялиги 100 гача бўлган ерлари-дан ток ўстиришда унумли фойдаланиш мумкин.

## ТОКЗОР БАРПО ҚИЛИШ

Ч.А. Анварбекова<sup>1</sup>, Д.Х. Ғаниева<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Тошкент давлат аграр университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813115>

## ANNOTATSIYA

*Ерни шудгор қилиш ва экиш. Ёш токзорларни парваришlash. Агротехника тадбирлар. Токзор учун ер танлаш.*

Ток учун кучли шўрланган, ер ости сувлари 1 м дан юқо-ри, пастқам ерлар яроқсиз ҳисобланади. Токнинг ўсиши, маҳсулдорлиги, ҳосилнинг сифати кўп жиҳатдан тупроқ ха-рактери ва хусусиятларига боғлиқ. Ўзбекистонда бўз ва ўтлоқ- бўз, ўтлоқ тупроқлар ток ўстириш учун қулай ҳисобланади. Тупроқ қатлами 50-60 см дан кам бўлмаган тош-шағалли ерларда ҳам сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Токзор учун ер танлашда шамол йўналиши ва даврийлигига ҳам аҳамият бериш зарур.

Ерни ток экишга тайёрлашда бир қатор ташкилий ва агротехника тадбирлар (ерни бегона ўтлардан ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, ерни текислаш, органик ва минерал ўғитлар



солиш, суғориш шахобчаларини белгилаш кабилар) амалга оширилади. Бегона ўтлардан тозалаш учун ер 20-25 см чуқурликда ҳайдалиб, илдиз қолдиқларидан тозаланади. Бунинг учун плугли борона ва культиваторлардан фойдаланилади. Эски боғ, токзор, бутазорлардан бўшаган ерларга 2-3 йил дуккакли ва дуккакли-бошоқли экинлар (нўхат, ловия, соя, беда, жавдар ва бошқалар) аралашмаси экилади. Уларнинг кўпчилиги кузда яшил ўғит сифатида ҳайдаб юборилиши ҳам мумкин. Токчиликда, асосан оқимни ва шамолни тартибга солувчи ҳимоя дарахтларидан фойдаланилади. Биринчиси, асосан тоғ ва тоғ олди зоналарида қўлланилиб, бунда 3-5 қатор бутасимон ўсимликлар (олча, смородина, малина, тол ва бошқалар) 1x0,5 м ораликда экилади. Кварталлар ҳудуди бўйлаб шамолни тартибга солувчи ҳимоя дарахтлари (бир қатор ёнғоқ 6 м. ораликда, 2-3 қатор терак, ўрик, олча 1-2,0 м ораликда) экилади. Ҳимоя дарахтзорлар ўртасидаги оралик текис майдонларда 500-1000 м, тоғли жойларда 200-300 м бўлиши лозим. Улар токзорлардан 10 м. узоқликда жойлаштирилади. Ток экишдан олдин ерга органик ва минерал ўғитлар солиниб, чуқур ҳайдалади. Айниқса, “плантаж плуги” билан тупроқ қатламини чуқур ағдариб (60-70 см) ҳайдаш тупроқнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини, ҳаво, сув, иссиқлик меъёрларини, ўсимликнинг озик моддаларни ўзлаштириш хусусиятларини яхшилайти, тупроқдаги микроорганизмлар фаолиятини кучайтиради, тупроқнинг сув ўтказувчанлик ва нам сақлаш қобилиятини тартибга солади, бегона

ўтларнинг унувчанлигини йўқотади ва ҳ.к. “Плантаж”дан олдин ҳар гектар ер ҳисобига 30-40 т чириган гўнг, 500-600 кг суперфосфат ёки аммофос, 90-100 кг калий солинади.

**Ерни шудгор қилиш ва экиш.** Ток баланд танали (1,5-2 м) қилиб ўстирилганда, уларнинг қатор оралиғи суғориладиган ерларда 3,5-4 м, лалми ва шартли суғориладиган ерларда 3 м, туплар оралиғини кучли ўсувчи хўраки ва кишмишбоп навлар учун 2,5-3 м, ўртача ва суст ўсувчи (асосан винобоп) навлар учун 2 м. қилиб белгиланади. Ток туплари кўмиладиган (танасиз ўстирилладиган) жойларда қатор оралари 3 м, туплар оралиғи эса 2,5м, лалми, тош шағалли ва шўрланган ерларда эса туплар оралиғи 2 м бўлгани маъқул.

1 га майдон (10000 м<sup>2</sup>) га экиладиган ток тупларининг сони қуйидаги формула билан аниқланади:

$$X=10000:a*b$$

бу ерда: X - 1 га даги туплар сони,

a - қаторлар оралиғи,

b - қатордаги туплар оралиғи.

Мисол учун қаторлар оралиғи 3, қатордаги туплар оралиғи 2 бўлса, қаторлар оралиғи туплар оралиғига кўпайтирилади ва чиққан жавоб 10000 м<sup>2</sup> бўлинади.  $3*2=6$ . Демак, 1 гектар учун  $10000/6=1666$  та кўчат сарф бўлади. Кўчатларни баҳорда куртаклар ёзилмасдан олдин ўтқа-зиш мақсадга мувофиқдир. Кузги ва қишки даврда, илиқ кунларда ҳам кўчат ўтқазиш мумкин, лекин бунда кўчатлар 20 см баландликда тупроқ билан кўмилади.



Ўтқазилган олдин кўчатларнинг уч қисмида ўсган илдизлар қирқилади, паст томондаги илдизлар бироз қисқартирилади. Кучли ўсган ва тўғри жойлашган новдада бир ик-кита, икки-учта кўзча қолдириб, ортиқчаси кесиб ташланади. Илдизларнинг ўтқазилган вақтида ва ўтқазилгандан кейин суғоришгача қуриб қолмаслиги учун улар янги гўнг ва лой аралашмасидан тайёрланган суюқликка ботириб олинади. Ҳар бир кўчатнинг ўсиш қуввати унинг тутиш ва кейинги ривожланишига катта таъсир этишини ҳисобга олиб, ўтқазилган олдин кўчатларни гуруҳларга ажратиш лозим. Кўчатлар махсус НЮ-19, МПС машиналарида, шунингдек гидробурғилар ёрдамида 50 см чуқурликда ўтқазилади. Кўчатлар қўлда шундай ўтқазилдики, бунда уларнинг пастки илдизлари чуқурча тубига тўкилган тупроқ уюмида бир те-кис тақсимланади, сўнгра ер устида битта-иккита кўзча қолдириб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатлар ўтқазилиши билан тупроқ билан кўмилади, сўнг суғорилади. Лалмикор ерлар-да ўтқазилгандан кейин ҳар бир туп тагига камида 10 л сув қуйи лади. Кузда ва қишда ўтқазилган кўчатларни совуқ уришдан сақлаш учун улар камида 20 см қалинликда тупроқ билан кўмилади.

**Ёш токзорларни парваришlash.** Кўчатларнинг тутиши ва ривожланиши, уларнинг мевага кириши, бўлажак ҳосил ва унинг сифати ёш токзорни сифатли парваришlashга боғлиқ. Қатқалоқ пайдо бўлишига, бегона ўтларнинг ривожланишига йўл қўймаслик зарур. Ток кўчатлари ўтқазилгач, дастлабки йилда уларнинг илдиз тизими унча

яхши ривожланмаган бўлади. Шу сабабли токзорни тез-тез суғориб туриш лозим, бунда тупроқ камида бир метр чуқурликда намланиши керак. Кўчатлар ўтқазилгандан сўнг биринчи суғориш, кейингилари апрель, май, июнь ва августда бир мартадан ўтқазилади. Бундан ташқари, ноябрдан мартгача бир-икки марта захира суви берилади. Сизот сувлар юза жойлашган ерларда кўпи билан 3-4, шағалли ерларда 1,5-2,0 марта кўпроқ, вегетация суғоришлари ўтқазилади. Ҳар бир суғоришдан 2-3 кун ўтгач, қатор ораларидаги тупроқ культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Ердан ва сувдан унумли фойдаланиш учун токзор қатор ораларига дастлабки икки йилда сабзавот, полиз экинлари, эртаги картошка ва бошқа (баланд бўйли ўсимликлардан ташқари) экинлар экилади. Бу экинларни токзор қаторидан камида 50 см масофада жойлаштириш зарур. Кўчатлар ўтқазилган йили ток барглари ранги ўзга-ришидан (август-сентябрь) ва тўкилишидан олдин навлар аралашганлигини аниқлаш учун улар белгиланади ва ўрнига шу асосий нав кўчатлари октябрда ёки эрта баҳорда экилади. Тутмаган кўчатлар ўрни ҳам тўлдирилади. Токлар ўтқазилган йили кесмасдан қўлда кўмилади. Баҳорда куртаклар бўртмасдан олдин туплар очилади. Дастлабки йиллар ёки токлар баҳорда кесилади. Токзорлар иккинчи йили биринчи йилдагидек, учинчи йили ҳосилга кирган токзорлар каби парвариш қилинади. Агар дастлабки икки йилда токзорда айрим туплар қуриган бўлса, уларнинг ўрнига ўша навли кучли кўчатлар ўтқазилади. Учунчи йилдан бошлаб (кучли тупларда иккинчи йилдан) нобуд



бўлган туплар асосан пархиш қилиш йўли билан тикланади. Бунда оналик тупдаги соғлом, пишган бир йиллик новда олиниб, қатор бўйлаб 50-60 см чуқурликда ковланган чуқурга ётқизилади. Чуқурга ётқизилган новданинг учи керакли жойда тупроқ юзасига чиқарилади, қолган қисми эса кўчат ўтқазилгандаги каби тупроқ билан кўмилади. Тупроқ юзасига чиққан

новда икки-учта кўзча қолдириб кесилади ва қозиққа боғланади. Икки уч йилдан кейин пархиш оналик тупдан ажратилади. Яхши ривожланган ўсимликдан пархиш ётқизиш учун июль-сентябрь ойлари қулайдир. Жойлашган, зарур узунликка эга кўк новдалардан қолдирилади. Барглари узиб ташланган кўк новдалар ерга пишган новдалар каби ётқизилади.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Джавакянц Ю.М, Горбач В.И. Виноград Узбекистана.Ташкент – 2001. – с. 69-149.
2. Мирзаев М.М и др. Агроуказания по садоводству и виноградарству для Узбекистана.Ташкент – 1967. с. 21-70.
3. Марупов А.Раҳматов А.Токни асосий касалликларидан ҳимоя қилиш. Тавсиянома. Тошкент – 2009.
4. Туркия Республикаси Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китобдан” иборат тўплами.
5. Марупов А., Раҳматов А. Токзорларда мильдю касаллигини бартараф этиш йўллари. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №11, 2010. б.23.
6. Маҳмудов О., Раҳматов А.А., Жалилов А.А., Узумзорларни ток канасидан ҳимоя қилиш. “Ўсимликлар ҳимояси ва карантини” журнали. Тошкент – 2016.-№1(7). - 33 б.
7. Раҳматов А.А., Марупов А.И. Антракноз//“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент – 2006. №7. б.24.